

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019 К/Т.35.01
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ОРАЗИМБЕТОВА ГУЛИСТАН ЖАКСИЛИКОВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХОМАШЁ РЕСУРСЛАРИ АСОСИДА
ПОРТЛАНДЦЕМЕНТ КЛИНКЕРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 - Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Оразимбетова Гулистан Жакселиковна

Қорақалпоғистон хомашё ресурслари асосида портландцемент клинкерини
олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Оразимбетова Гулистан Жакселиковна

Разработка технологии получения портландцементного клинкера на основе
сырьевых ресурсов Каракалпакстана.....29

Orazimbetova Gulistan Jaksilikovna

Development technology for obtaining Portland cement clinker based on raw
..materials of Karakalpakstan.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019 К/Т.35.01
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ОРАЗИМБЕТОВА ГУЛИСТАН ЖАКСИЛИКОВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХОМАШЁ РЕСУРСЛАРИ АСОСИДА
ПОРТЛАНДЦЕМЕНТ КЛИНКЕРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 - Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/T182 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ionx.uz) ҳамда "Ziynet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:	Намазов Шафоат Саттарович техника фанлари доктори, профессор, академик
	Искандарова Мастура техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Реймов Ахмед Мамбеткаримович техника фанлари доктори, профессор
	Юнусов Миржалил Юсупович техника фанлари доктори, профессор
	Турдалиев Умид Мухтаралиевич техника фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Фаргона политехника институти

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «4» декабрь. соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77а. Тел. (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (20 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77а. Тел. (99871) 262-56-60; факс: (99871)262-79-90.

Диссертация автореферати 2020 йил «20» ноябрь куни тарқатилган.

(2020 йил «20» ноябрь № 20 рақамли реестр баённомаси).



Б.С. Закиров

Илмий даража берувчи бир марталик Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.С. Салиханова

Илмий даража берувчи бир марталик Илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

А.У. Эркаев

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда қурилиш саноати, металлургия, электр энергетикаси, кимё ва машинасозлик соҳалари билан бир қаторда ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятни ва саноат ривожланиш даражасини белгилайди. Клинкер цемент ишлаб чиқаришининг оралиқ хомашёси ҳисобланган ҳолда, цемент ишлаб чиқариш ҳажмини ва тайёр маҳсулот таннархини белгилаб беради. Клинкер ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган цементнинг сифат кўрсаткичларига таъсир кўрсатади, чунки у бетон ва темир-бетон конструкцияларида боғловчи сифатида қуруқ қурилиш аралашмаларнинг таркибий қисмида муҳим аҳамиятга эга.

Хозирги вақтда дунёда, маҳаллий хомашё ресурслари асосида аралашманинг янги таркиби ва портландцемент клинкерини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича қуйидаги илмий ечимларни асослаш: композицион қўшимчалар иштирокида янги таркибга эга цементлар ишлаб чиқариш усулини ишлаб чиқиш; сульфатбардош цементларнинг коррозияга қарши хоссасини мукамаллаштириш; умумқурилиш цементга клинкерлар олиш технологиясини такомиллаштириш; энергия сарфи кам клинкерлар олиш технологиясини кенг қўламда тадбиқ этиш; нисбатан паст ҳароратли портландцемент ишлаб чиқаришнинг замонавий усуллари кўллаш зарур.

Республикада инновацион ишланмаларни амалга ошириш натижасида клинкер ишлаб чиқаришнинг қуруқ усулини кўллаш, мавжуд заводларнинг технологик жиҳозларини модернизациялаш, цемент хомашёси захиралари ва минтақавий қурилиш саноатининг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда янги цемент заводларини қуриш йўли билан цемент саноатининг самарадорлигини оширишда муайян илмий ва амалий натижалар ва ютуқларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...иқтисодтиёт соҳаларини ривожлантириш, кимё саноатини модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда энергия тежамкор усулларни кўллаш, кимё ва қурилиш ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларни олиш...»¹ каби вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан маҳаллий хомашё ресурслари асосида клинкерларнинг янги таркибларини ва арзон портландцементлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган технологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2018 йил 4 майдаги ПҚ-3696-сон «Ички бозорни цемент билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сон «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналиши бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги: Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи²:

Янги таркибли клинкерлар ва улар асосида портландцементлар олишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети, Қозон архитектура-қурилиш университети, В.Г.Шухов номидаги Белгород технология университети (Россия), Heidelberg Cement Group, Bau-Haus Universität ва VDZ-Verein Deutscher Zementverke (Германия), СЕМБUREAU (Белгия), М.Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети (Қозоғистон), Aslan Çimento AŞ (Туркия), Gambarotta Gsvendt (Италия), Н.Исанов номидаги Қирғизистон давлат қурилиш, транспорт ва архитектура университети (Қирғизистон), Уаутхорпмен (Англия), Cement Manufacturers Association of India Ultra Tech Ltd (Ҳиндистон), Беларус давлат технология университети (Белоруссия), CNBM Engineering Co Ltd (Хитой), Миллий техника университети «Киев политехника институти» ва «Львов Политехника» Миллий университети (Украина), Тошкент кимё-технология институти, Умумий ва ноорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Клинкер синтези ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: портландцемент клинкерини куйдиришда юқори реакцион хоссага эга хомашё аралашмаси таркиблари ишлаб чиқилган («Львов Политехника» Миллий университети, Украина); юқори глиноземли ва юқори кремний глиноземли клинкерлар олиш технологияси яратилган (Урал федерал университети, «Цемент»ИТИ ОАЖ, Россия); электротермофосфорли тошқол миқдори юқори бўлган клинкер олиш технологияси ишлаб чиқилган (Жанубий Қозоғистон Давлат университети, Қозоғистон); сифати юқори бўлган рангли цементлар учун клинкерлар олиш технологияси такомиллаштирилган (Cement Manufacturers Association of India, Ҳиндистон); клинкернинг юқори сифатини таъминловчи юқори қувватга эга жиҳозларнинг замонавий маркалари ишлаб чиқилган

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар қуйидаги манбалар асосида бажарилди: <http://www.fipr.state.fl.us>; <https://www.dobersek.com/ru>; <http://www.ins.pulawy.pl>; <http://en.ustc.edu.cn>; <http://www.chemistry.or.jp/en>; <http://dmpe.aut.ac.ir>; <http://www.chemistry.iitkgp.ac.in>; <http://www.just.edu.jo>; <http://www.niui.ru>; <https://spb.ucheba.ru>; <https://www.ionx.uz> ва бошқа манбалар

(CNBM Engineering Co Ltd, Хитой); нисбатан паст ҳароратда куйдириладиган сульфоалюминатли ва ферритли ва саноат чиқиндилари асосида кўндирма-кўшимчали клинкерлар синтез қилинган (Тошкент кимё-технология институти ва Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўзбекистон).

Дунёда клинкер сифатини ошириш ва уни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: юқори сульфатли ва кремнийли хомашё аралашмалари таркибларини шакллантириш; табиий хомашё материалларни юқори реакцион техноген чиқиндиларга алмаштириш ҳисобига тежаш; клинкерни кўп миқдорда тежаш имкониятини берувчи технологиялар ишлаб чиқиш; таркибида кўп миқдорда темир, хлор, фтор ва шу каби моддалар тутган минераллашган кўшимчаларни фойдаланиш; композицион ва пуццоланли цементлар учун клинкер олишнинг энергиятежамкор технологияларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Хомашё аралашмаларидан энергиятежамкор таркиблар ва улар асосида клинкер олиш технологияларини ишлаб чиқиш соҳасида С.И.Дружинин, Ю.М.Бутт, В.В.Тимашев, М.М.Сычев, В.М.Москвин, И.С.Канцепольский, Ф.М.Ли, Х.Ф.Тейлор, Д.Ж.Мальквори, В.М.Колбасов, Б.И.Нудельман, М.Я.Бикбау, А.А.Пашенко, А.Н.Стравчинский, Т.В.Кузнецова, Т.А.Атакузиев, М.Искандарова, М.И.Збарский, Ш.М.Рахимбаев, Ю.Р.Кривобородов, М.А.Ивашина, Б.Т.Таймасов, З.П.Пулатов, Х.Л.Усманов, Ф.Б.Атабаев, Дж.К.Адылов, М.А.Коледаева, М.М.Мирходжаев ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида турли иқлим шароитлар ва минераллашган сувларнинг агрессив таъсирларига чидамли портландцемент ва махсус цемент турлари учун паст ҳароратли клинкерлар олиш усули ҳамда технологиялари ишлаб чиқилган; осон суюқланадиган тоғ жинслардан реакцион қобилятга эга хомашё аралашмалар тайёрланган ва уларнинг куйдириш жараёнида минераллар ҳосил бўлишга таъсири ўрганилган; клинкерларнинг физик-кимёвий хоссалари аниқланган; янги таркибли клинкерлар асосида цементнинг гидратация жараёни таҳлил қилинган; клинкерлардан олинган цементларнинг қотиш давридаги физик-кимёвий ва физик-механик хоссалари тадқиқ қилинган (И.С.Канцепольский, Х.Ф.Тейлор, Б.Т.Таймасов).

Шу билан бирга, янги таркибли клинкерлар ва улар асосида цементлар олишда сульфатга чидамли цемент клинкерлари учун янги хомашё аралашма таркибини яратиш; хомашё аралашмаси учун алюмосиликатли компонент ҳамда темирли минерализатор сифатида қўлланиладиган осон суюқланувчан тоғ-магматик жинсларидан комплекс фойдаланиш; альтернатив кўшимчалар сифатида турли хил темир тутувчи тоғ ва чўкинди жинслар захираларини ўрганиш; бархан кумларнинг портландцемент клинкерини куйдириш жараёнида оҳак ўзлашишига таъсирини тадқиқ этиш; цемент таннархини камайтириш мақсадида янги таркибли клинкерларни синтез қилиш

соҳаларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган (Б.И.Нудельман, Т.А.Атакузиев, М.Искандарова, М.Я.Бикбау).

Қайд этиш лозимки, ҳозирги кунгача Қорақалпоғистон янги табиий ресурслари (оҳактош, гил, мергель, бархан қуми, базальт, темир тутуви титан-магнетитли жинс, темир тутувчи чўкинди номаёндалар, табиий гипс) асосида умумқурилиш ва сульфатбардош цемент кликерларини тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича батафсил илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Бунда анъанавий ва ноанъанавий хом ашёлар фойдаланиш йўли билан ресурс- ва энергиятежамкор портландцемент клинкерини олиш ва у асосида ПЦ400-Д0 ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишларидан 2-Ц/18-сон «Жамансой-2» кони оҳактоши, «Жамансой-1» кони гил компоненти ва «Кампирсой» базальт кони технологик синовлари»(2018й.) ва 196-Ц/19-сон «Портландцемент ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида «Ғарбий Жамансой» участкаси оҳактоши ва гилли компонентларини технологик синаш» (2019й.) мавзуларидаги хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон хомашё ресурслари асосида аралашмалар таркибларини мақбуллаштириш ва улар асосида портландцемент клинкерини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қорақалпоғистон хомашё материалларининг портландцемент клинкерини тайёрлашда компонент сифатида яроқлилигини аниқлаш;

умумқурилиш портландцемент клинкерини олиш учун хомашё компонентларининг янги турлари асосида хомашё аралашмалари таркибини ҳисоблаш ва мақбуллаштириш;

хомашё аралашмалари таркиблари асосидаги клинкерларни куйдиришда уларнинг реакцион қобилиятларини аниқлаш ва жараённинг кимёвий-технологик параметрларини мақбуллаштириш;

хомашё материаллари муқобил манбаларининг клинкерлар кимёвий-минералогик таркибига мувофиқлигини аниқлаш;

Қорақалпоғистон мергели ва бархан қуми асосида икки компонентли хомашё аралашмасидан ташкил топган портландцемент клинкерини олишнинг кимёвий-технологик параметрларини мақбуллаштириш;

умумқурилиш цемент учун меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ янги таркибли хомашё аралашмаларидан синтез қилинган клинкерлар асосида олинган портландцементнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

хомашё янги турлари асосидаги цемент тошининг гидратация ва қотиш жараёнида тузилиш шаклланишининг қонуниятларини ўрнатиш ва «таркиб-тузилиши-хоссалар» ўзаро боғлиқликни топиш;

хомашё материалларнинг янги турларини фойдаланишни инобатага олган ҳолда умумқурилиш ва сульфатбардош цемент учун 1 тонна клинкер ишлаб чиқаришнинг хомашё сарфларини ҳисоблаш;

Қорақалпоғистон хомашёларидан портландцемент клинкерини олиш ва уларни республика цемент заводларида қўллаш бўйича амалий тавсиялар бериш;

Қорақалпоғистон қурилиш материаллари корхоналарида олинган синов натижаларининг саморадорлигини техник-иқтисодий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жамансой оҳактоши ва гили, Тебинбулоқ темир тутган титан магнетитли жинси, Табаққум бархан қуми, Ақбурли ва Порлитау кони мергеллари, Беркуттау участкаси базальти, темиртутган чўкинди номаёнда ҳамда Ходжакул ва Урге участкалари табиий гипслар, хомашёлар аралашмаси, клинкер ва портландцементлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети Қорақалпоғистон хомашё ресурсларининг умумқурилиш цемент учун клинкерлар олишга яроқлилигини аниқлаш, икки, уч- ва тўрт компонентли хомашё аралашмаларини синтез қилиш орқали олинган клинкерни куйдиришда ҳосил бўлган асосий бирикмаларнинг физик-кимёвий тадқиқотлари, клинкерлар асосида портландцемент олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Рентгенография, электрон-микроскопия, ИҚ-спектроскопия, кимёвий, физик-кимёвий, физик-механик ва дифференциал термик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон карбонатли алюмосиликатлари ва темирли хомашё компонентларидан янги таркиблар ва уларнинг асосий клинкер минераллари миқдори бўйича мувофиқлиги исботланган;

оҳактош, мергель, гил, темир тутган титан магнетитли жинс, бархан қуми, базальт, темир тутган чўкинди номаёнда ва табиий гипс асосида клинкернинг янги аралашма таркиблари ва уларнинг клинкер таркиби минераллар миқдори бўйича мақбуллаштирилган;

реакцион қобилятга эга янги таркибли хомашё аралашмаларига юқори ҳароратда термик ишлов беришда клинкер минералларининг ҳосил бўлиши аниқланган;

анъанавий ва ноанъанавий хомашёлар асосидаги умумқурилиш цемент клинкерини тайёрлаш ва куйдириш жараёнларининг мақбул кимёвий-технологик параметрлари, олинган портландцементлар юқори мустаҳкамликка эга эканлиги аниқланган;

янги таркибли клинкер асосидаги портландцементнинг физик-механик хоссалари билан портландцемент гидратацияси ва цемент тоши структураси шаклланишидаги физик-кимёвий ўзгаришлар ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланган;

янги таркибли хомашёларни қўллаш орқали клинкерни куйдириш жараёнида асосий минералларнинг ҳосил бўлишини тезлаштириш ва куйдириш ҳароратини 50-70°C га пасайтириш имконияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон конлари карбонатли, алюмосиликатли компонентлар ва темирли минерализаторлардан клинкер синтези учун хомашё аралашмалари таркиби яратилган;

хомашё компонентларининг мақбул таркиби ва сарф меъёри ҳисобланган, умумқурилиш ва сульфатбардош цементлар учун клинкерлар синтез қилинган ва куйдириш жараёнининг асосий технологик параметрлари ишлаб чиқилган;

қўшимча сифатида Қорақалпоғистон базальти ва титанмагнетитли темиртутган жинсларини жалб қилиш орқали клинкер ҳосил бўлиш жараёнини тезлаштириш ва хомашё аралашмасини куйдириш ҳароратини 50-70°C га пасайтириш усуллари ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижалар замонавий тадқиқот усуллари қўллаш билан асосланган ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон янги конларининг анъанавий ва ноанъанавий компонентларини хомашё материалларидан клинкернинг хомашё аралашмаларини янги таркибини шакллантириш ҳамда умумқурилиш ва сульфатбардош бўлган портландцементлар учун клинкер намуналарини олиш учун илмий асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, анъанавий ва ноанъанавий хомашёлардан фойдаланиб, ПЦ400-Д0 маркали гидравлик фаолликка мос келадиган, меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган портландцемент олиш, клинкерларни жадал куйдириш учун маҳаллий хомашё материалларидан энергия- ва ресурстежамкор таркиблар ишлаб чиқиш ва таннархи арзон бўлган клинкерлар ишлаб чиқариш технологиясини йўлга қўйишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон хомашё ресурслари асосида янги таркибли портландцемент клинкерини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Беркуттау участкаси базальти иштирокида 1400-1420°C да куйдириш йўли орқали портландцемент клинкерини олиш технологияси «TITANCEMENT» МЧЖ-ҚҚда амалиётга жорий этилган («Узсаноатқурилишматериаллар» уюшмасининг 2020 йил 14 июлдаги 05/15-2325-сон маълумотномаси). Натижада цемент заводини янги турдаги хомашё базаси билан таъминлаш ҳамда анъанавий клинкернинг куйдириш ҳароратини 50-70°C ва иссиқлик сарфини мос равишда 4-6% га камайтириш имконини берган;

Қорақалпоғистон базальти асосида ССПЦ-400-Д0 маркали цемент олиш технологияси «KARAKALPAKCEMENT» МЧЖ да амалиётга жорий этилган («Узсаноатқурилишматериаллар» уюшмасининг 2020 йил 14 июлдаги 05/15-

2325-сон маълумотномаси). Натижада клинкерни куйдиришда ёқилги сарфини 10% га камайтириш имконини берган;

Қорақалпоғистон минерал хомашёлари (оҳактош, базальт, гилли компонент, темирли жинслар) асосида ПЦ-400-Д0 маркали цемент олиш технологияси «KARAKALPAKCEMENT» МЧЖ да амалиётга жорий этилган («Узсаноатқурилишматериаллар» уюшмасининг 2020 йил 14 июлдаги 05/15-2325-сон маълумотномаси). Натижада клинкернинг асосий компоненти сарфини 10-15% га камайтириш ва умумқурилиш ва сульфатбардош цемент олиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу ишнинг натижалари 6 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш нашр этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик (DSc) диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, шулардан 12 таси республика ва 9 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 183 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ноанъанавий хомашё материаллар асосида портландцемент клинкерлар олиш муаммоларининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида цемент саноатида мергелларни қўллашнинг жаҳон амалиёти тажрибалари ёритилган. Таъкидлаш жоизки, портландцемент ишлаб чиқаришида мергеллардан фойдаланиш имкониятини белгилайдиган асосий мезон, бу уларнинг кимёвий-минералогик таркиби ҳисобланади, шу сабабли муайян кон мергелларини фойдаланилганда, уларнинг мергеллар тоифасига мансублигини батафсил аниқлаш ва ундан кейин хомашё аралашмасининг моддий таркибини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Клинкерни куйдириш учун хомашё аралашмасидаги компонентларнинг физик-кимёвий ўзаро таъсирлашишида темирли қўшимчаларнинг роли кўрсатилган. Уларнинг клинкер ишлаб

чиқариш жараёнига ижобий таъсири қайд этилган бўлиб, бунда оҳактошнинг карбонатсизланиши ва эркин кальций оксиди ўзлашишини тезлашиши, куйдиришда клинкер минералларининг ҳосил бўлишини ва клинкер ҳароратини пасайтиради. Базалтоидлар оилсаига мансуб тоғ жинсларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, клинкер ишлаб чиқаришида улар гилли ва темирли хомашёларни сарфини тежаш, клинкер ҳосил бўлиш реакциясини жадал содир қилиши эвазига ўчоқлар қувватини ошириш имконини берадиган алюмосиликатли ва темир тутган комплекс хомашё ҳисобланади. Кремнеземли қўшимча сульфатбардош цемент олишда клинкер тайёрлаш учун кремний модулини меъёрлаштиришда хизмат қилади.

Адабиётлар таҳлилида портландцемент клинкерини ишлаб чиқариш усулларида энергияни тежаш муаммосини батафсил таҳлил қилиш асосида Қорақалпоғистоннинг арзон ва муқобил хомашё ресурсларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Диссертациянинг «**Хомашё материалларининг таснифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобда дастлабки материаллар таснифи ва тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқот объектлари сифатида Жамансой кони оҳактош ва гиллари, Табаккум кони бархан қумлари, Тебинбулоқ кони титан-магнетитли темир тутган жинслари, темир тутган чўқинди номаёндалар, Ақбурли ва Порлытау конлари мергеллари, «Беркуттау» участкаси базальт жинслари танлаб олинган. Дастлабки хомашё материаллари, клинкер ва цементларнинг кимёвий таркиби ГОСТ 5382-91 бўйича аниқланди. Дастлабки хомашё материаллари, цементлар ва уларнинг гидратация маҳсулотларининг фазовий таркибини аниқлаш учун кимёвий, рентгенфазали, дифференциал-термик, ИҚ-спектроскопик, петрографик ва электрон-микроскопик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Портландцемент қотишида клинкернинг тузилиши ва структуранинг шаклланиш генезиси SEM-EVO MA 10 сканерлаш электрон микроскопида, намуналарнинг элемент таҳлили EDX (Oxford Instrument) – Aztec Energy Advanced X-act SDD фирмасининг SEM-EVO MA 10 типдаги элемент анализаторида амалга оширилди. Намуналарнинг заррачалари кўриниши ЭМВ-100БР электрон микроскопи ёрдамида суспензия ва икки босқичли реплика усулида расмга туширилди. Намуналарнинг инфрақизил ютиш спектрлари SPECORD 75 JR спектрофотометрида олинди.

Портландцемент клинкери синтези учун қўлланилган хомашё компонентларининг кимёвий-минералогик таркиби 1-жадвалда келтирилган.

Аниқландики, «Жамансой-2» оҳактоши ва «Шимолий Жамансой» гили хомашёлари кимёвий-минералогик таркиби, структуравий тузилиши ва технологик хоссалари бўйича цемент саноатида анъанавий тоифада қўлланиладиган хомашёларга ўхшаш ва O'z DSt 2950:2015 «Портландцемент клинкери ишлаб чиқариш учун хом ашё материаллари». Техник шартлар» талабларига мос келади.

Ақбурли ва Порлытау кони мергеллари кимёвий таркиби бўйича бири-бирига яқин ҳамда барқарорлиги билан ажралиб туради. 1-жадвалдан кўринмоқдаки, ўртача намуналарнинг таркиби, яъни СаО миқдори бўйича

(O'z DSt 2950:2015 бўйича 45% дан кам эмас) карбонатли хомашё сифатида клинкерларни куйдиришга яроқлидир.


Порлытау мергели минерал таркиби бўйича оҳакли мергеллар жинсига мансубдир (1-расм).

1-жадвал

Хомашё материаллари намуналарининг кимёвий таркиби


№	Хомашё номланиши	Оксидлар миқдори, оғир. %									
		К.й.	SiO ₂	Al ₂ O ₃ +TiO ₂	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	SO ₃	R ₂ O	P ₂ O ₅	Σ
1	«Жамансой-2» оҳак тоши	42,39	2,28	1,99	сл.	51,61	0,70	1,03	-	-	100
2	«Шимолий Жамансой» гили	7,90	61,91	20,05	4,05	1,99	2,03	1,62	-	-	100
3	Табаккум бархан куми	3,09	82,81	5,89	1,13	2,73	0,68	0,10	3,57	-	100
4	Титаномагнетит темирли руда	-	32,80	5,73	26,12	9,70	20,81	3,33	1,40	0,11	100
5	Темирли чўкинди номаёнда	-	38,65	4,15	44,6	5,36	4,06	0,11	2,76	0,31	100
6	«Беркутгау» базальти	5,58	53,28	16,30	8,50	6,09	5,32	0,43	4,50	-	100
7	Ақбурли мергели	39,52	7,51	2,06	0,86	47,25	1,16	0,18	1,45	-	99,99
8	Порлытау мергели	37,91	9,86	3,54	0,96	45,24	0,71	Сл.	1,57	-	99,79

Мергел дифрактограммаси намунанинг минералогик таркибида d/n = 0,303; 0,249; 0,208; 0,186; 0,160; 0,152 nm кальцит устунлигини тасдиқлайди. Бундан ташқари d/n = 0,334 ва 0,181 nm бўлган кварц мавжуд; 0,334 nm га тенг каолинит кўринишида гилли минерал; d/n = 0,714 ;0,318; 0,209; 0,190; 0,185; 0,182; 0,177 nm дала шпати мавжуд.



1-расм. Порлытау кони мергели дифрактограммаси.

Титанмагнетитли темир тутган жинс асосан кремний, темир, магний ва кальций осидлар, ундан ташқари алюминий оксиди, олтингугурт ангидриди, ишқорий металл оксидлари, титан ва фосфордан иборат (2-расм, а). Титанмагнетитли темир тутган жинс регламент қилинадиган оксидлар миқдори бўйича O'z DSt 2950:2015 талабларига кўра портландцемент клинкерини ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган темирли кўшимча таркибига мос келади. Ушбу жинс технологик намунасининг минералогик




2-расм. Тебинбулоқ кони титанмагнетитли темир тутган жинс (а) ва темирли чўкинди номаёнда (б) диффрактограммалари.

таркибида $d/n=(0,761; 0,427; 0,362; 0,181 \text{ nm})$ гематит, $d/n=(0,271; 0,253; 0,242; 0,171; 0,161 \text{ nm})$ магнетит миқдори юқори, ундан ташқари магнитли колчедан, гетит ва пиритга мос келувчи чизиқлари мавжуд. Сульфат ва гилли минераллар $d/n=(0,761; 0,427; 0,335 \text{ nm})$ ҳам учрайди.

Темирли чўкинди номаёнда таркибида Fe_2O_3 миқдори юқори (44,6%) титанмагнетитли темир тутган жинсга нисбатан (26,12%) ва у портландцемент клинкерини куйдириш учун минералиаторли темирли кўшимча сифатида ишлатилиши мумкин. Темирли чўкинди жинси минерал таркиби $d/n = (0,761; 0,362; 0,209; 0,207; 0,171 \text{ nm})$ магнетит, $d/n=(0,424; 0,385; 0,245; 0,223 \text{ nm})$ магнит калчедани, гетит, пирит минераллари ва гилли жинсларнинг аралашмаси билан ифодаланган (2-расм, б).

«Беркуттау» базальти намунасида хлорит $d/n=(0,442; 0,402; 0,369; 0,318; 0,292 \text{ nm})$, кварц $d/n=(0,334; 0,318; 0,222; 0,212; 0,196; 0,181 \text{ nm})$, кальцит $d/n=(0,303; 0,248; 0,232; 0,206 \text{ nm})$, доломит ($d/n=(0,285; 0,217; 0,206 \text{ nm})$) минераллари акс этган (3-расм). Диффракцион чўққилари фониди шиша фазаси мавжудли аниқланди, бу магматик тоғ жинсга хослигини англатади.



3-расм. «Беркуттау» участкаси базальт жинси диффрактограммаси.

Шундай қилиб, комплекс кимёвий ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари асосида «Жамансой-2» оҳақтоши ва «Шимолий Жамансой» гили, Акбурли ва Порлытау конлари мергели, Табаққум кони бархан қуми, Тебинбулок титан магнетитли темир тутган жинслар, темирли чўқинди жинси, «Беркуттау» участкаси базальти О'z DSt 2950:2015 регламентидаги оксидлар миқдори бўйича портландцемент клинкери ишлаб чиқаришига яроқли карбонатли, алюмосиликатли ва темирли хомашёларга жавоб беради.

Диссертациянинг «Қорақалпоғистон муқобил хомашё ресурсларидан клинкерлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида клинкерни куйдириш учун технологик намуналари хомашё компонентларининг кимёвий таркибини ҳисобга олган ҳолда хомашё аралашмалари ҳисоблари бажарилган. Натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Хомашё аралашмалари компонент таркиби ва модуль қийматлари


Аралашма рақами	Компонентлар таркиби, оғир. %							ТК (Туйиниш коэффициенти)	п (Силикат модули)	р (Глинозем модули)	Суюқ фаза
	Оҳақтош	Бархан қуми	Гил	Порлытау мергели	ОТМК шлаки	Титанмагнетитли жинс	Темир тутган чўқинди жинс				
1-таркиб (Назорат)	38,71	3,73	-	5,12	2,44	-	-	0,92	2,00	1,50	28,66
	$C_3S - 51,67\%; C_2S - 20,64\%; C_3A - 9,46\%; C_4AF - 12,64\%$										
2-таркиб (СБПЦ)	77,92	9,49	1,01	-	-	11,58	-	0,89	2,40	0,95	28,50
	$C_3S - 49,07\%; C_2S - 24,71\%; C_3A - 3,76\%; C_4AF - 13,98\%$										
3-таркиб	78,71	10,13	-	-	-	11,16	-	0,92	2,5	0,94	27,18
	$C_3S - 55,86\%; C_2S - 18,98\%; C_3A - 3,48\%; C_4AF - 13,36\%$										
4-таркиб	81,57	4,24	11,01	-	-	-	3,18	0,92	2,2	2,3	28,11
	$C_3S - 55,83\%; C_2S - 18,14\%; C_3A - 12,72\%; C_4AF - 8,80\%$										
5-таркиб (СБПЦ)	62,35	7,92	-	23,26	-	-	6,47	0,89	2,1	0,9	28,49
	$C_3S - 49,55\%; C_2S - 25,09\%; C_3A - 3,74\%; C_4AF - 16,60\%$										

Бажарилган ҳисоб-китоб натижаларига кўра, кимёвий-минералогик таркиби ва модуль таснифлари бўйича О'z DSt 2801 га мос келадиган умумий қурилиш (№3 ва №4 таркиб) ва сульфатга чидамли (№2 ва №5) цементларга клинкерни куйдириш учун 3-компонентли («Жамансой-2» оҳақтоши, Табаққум бархан қуми, Тебинбулок титанмагнетитли темир тутган жинс) ва 4-компонентли («Жамансой-2» оҳақтоши, Табаққум бархан қуми, («Шимолий Жамансой-2», темирли чўқинди номаёнда) хомашё аралашмаларидан иборат мақбул таркиб танлаб олинди (2-жадвал).

Хом ашё аралашмаларининг янги таркибларининг 1000, 1200, 1400 ва 1450°Сда 30 дақиқа давомида аниқланган реакцион қобиляти шуни кўрсатдики, «оҳақтош + бархан қуми + гил + титанмагнетитли темир тутган жинс» ва «оҳақтош + бархан қуми + гил + темирли чўқинди номаёнда» дан иборат хомашё аралашмаларини куйдиришда карбонатсизланиш реакцияси ва СаО клинкер минералига ўзлашиш жараёни 1400-1420°С да клинкер ҳосил

бўлиши жадал боради, бу эса «оҳактош + бархан қуми + мергель + ОТМК куюиндиси» дан иборат назорат аралашмасини куйдириш ҳароратидан 50-70°C га пастдир. Демак, уларда $\text{CaO}_{\text{эркин}}$ миқдори (0,18% ва 0,66% мос равишда) назорат таркибдаги клинкердан кам бўлишини (0,88% $\text{CaO}_{\text{эркин}}$) англатади. Назорат вариантда ҳам $\text{CaO}_{\text{эркин}}$ миқдори 1450°C куйдиришдан кейин регламент қилинган ораликда ётади.

Рентгенофазавий таҳлил хомашё аралашмалари янги таркибларини куйдиришда клинкер минералларининг ҳосил бўлиши жадал кечишини тасдиқлайди. Масалан, сульфатга чидамли цемент учун «оҳактош + бархан қуми + гил + темирли чўкинди номаёнда» аралашмасидан олинган клинкер 4-таркиб дифрактограммасида C_3S – $d/n=(0,303; 0,278; 0,275; 0,262; 0,254; 0,241; 0,214; 0,198; 0,193; 0,191; 0,162; 0,156; 0,147 \text{ nm})$; C_2S – $d/n = (0,272; 0,262; 0,231; 0,219; 0,214; 0,204 \text{ nm})$; C_3A – $d/n=(0,272; 0,214; 0,191; 0,156 \text{ nm})$ ва C_4AF $d/n = (0,266; 0,261; 0,204; 0,191 \text{ nm})$ минералогик таркиби меъёрлашган клинкерга хос бўлган барча клинкерли фазалар идентификация қилинган (4-расм).




4-расм. ТК=0,89 эга 4-таркибли хомашё аралашмасининг 1000 (1); 1200 (2); 1400 (3); 1450°Cда (4) куйдириш маҳсулотлари дифрактограммалари. Дифракцион чўққилар фонидаги қийматлар $d/n=(0,240$ ва $0,169 \text{ nm})$

барча синтез қилинган клинкерларда $\text{CaO}_{\text{эркин}}$ миқдори камлиги (0,06-0,66%) тўғрисида кимёвий таҳлил натижасини тасдиқлайди. Рентгенограммаларда асосий клинкер фазалари аниқ белгиланган тасвири ва оралиқ фазалар йўқлиги янги таркибли хомашё аралашмаларини куйдиришда минераллар ҳосил бўлиш жараёнининг тўлиқ якунланишидан далолат беради.


ТК=0,92 эга «оҳактош + бархан қуми + мергель + ОТМК куюндиси», иборат назорат хомашё аралашмасидан олинган клинкерда ёрилган юзанинг рельефи дағал текислик билан намоён булган, бу ерда аниқ бўлмаган қиёфадаги ҳар хил шаклдаги доналар кузатилади, клинкер минераларининг зич бўлмаганлиги туфайли карбонатсизланиш жараёнида ҳосил бўлган кўплаган ғоваклар мавжуд.

Ушбу клинкернинг тузилишидан фарқли ўлароқ, «оҳактош + бархан қуми + гил + титанмагнетитли темир тутган жинс» (2-таркиб, ТК=0,89) таркибли хомашё аралашмасини 1420°C да 30 дақиқа давомида куйдириш орқали синтез қилинган клинкер ёрилган юзаси рельефи кубик, овал ва пластинали шакллардаги суюқланган доналардан ташкил топган, ушбу доналарни аниқ қиёфаларини ёпувчи шаклсиз массалар мавжудлиги кузатилади, бу силикат суюқланмасининг анча миқдорда ҳосил бўлишидан далолат беради (5-расм).

Бу шундан далолат берадики, ушбу таркибдаги хомашё аралашмасини куйдириш ҳароратини 1400°C гача пасайтириш ёки куйдириш вақтини 20 дақиқагача қисқартириш мумкин.




x500




x1000

5-расм. 2-таркибли «оҳактош + бархан қуми + гил + титанмагнетитли темир тутган жинс» хомашё аралашмасидан олинган клинкернинг ёриқ юза рельефи: ТК=0,89, $T_{\text{куйд.}}$ - 1420°C .

6-расмга кўра, темирли чўкинди номаёнда иштирокида клинкер минераллари аниқ кристалланиши кузатилади, 4-таркибли (ТК=0,92) хомашё аралашмасидан 1400°C да куйдирилган клинкер ёриқ юзасининг рельефи алитга хос бўлган кубик ва гексагонал шаклдаги йирик зарралардан иборат дағал текислик билан намоён бўлган.



X500



X1000

6-расм. 4-таркибли «оҳактош + бархан қуми + гил + темирли чўкинди номаёнда» хомашё аралашмасидан олинган клинкернинг ёриқ юза рельефи: ТК=0,92, T_{қуйд.} - 1400°C.

Заррачалар юзаси кучли суюқланган, бу хомашё аралашмасини куйдиришда ҳароратни 50-70°C га пасайтириш ёки изотермик ҳолатда ушлаб туриш вақтини қисқартириш имконини кўрсатади.

Хом ашёнинг янги таркибидан синтез қилинган клинкер асосидаги цемент намуналарини цемент қоришмаси ҳажми ўзгаришининг бир маромдалигига синовлар ўтказилди, бунда нотўғри қотиш ҳолатлари кузатилмади. 3-жадвал маълумотларга кўра, 2; 3; 4-таркиблардаги тажриба цементлари 28-суткалик нормал қотиш даврида сиқилишга бўлган мустаҳкамлик 43,6-49,6 МПа га эга бўлади, бу эса «400» ва «500» маркалардаги цемент учун бўлган регламент кўрсаткичларидан юқоридир (39,2 ва 49,2 МПа).

3-жадвал

Тажриба партиядаги портландцемент намуналарининг гидравлик фаоллиги

Цемент рақами	ТК	Сиқилишга/букилишга бўлган мустаҳкамлик чегараси (МПа), давр				
		3 сут.	7 сут.	28 сут.	90 сут.	180 сут.
1-таркиб	0,92	20,6/2,2	29,5/3,0	34,3/4,1	40,0/5,3	44,8/6,4
2-таркиб (СЧПЦ)	0,89	22,4/2,3	33,7/4,5	41,6/5,9	42,5/6,6	49,6/7,4
3-таркиб	0,92	21,1/2,1	30,2/4,2	40,1/5,3	43,0/6,3	44,9/7,0
4-таркиб	0,92	21,4/2,2	31,6/4,0	41,5/5,5	43,7/5,8	45,8/6,5
5-таркиб (СЧПЦ)	0,89	22,4/2,1	33,7/4,7	38,6/5,0	42,0/5,7	43,6/6,0

Гидратация табиати ва гидратли ҳосил бўлишларнинг эволюция йўли таҳлилнинг рентгенфазали, ДТА ва электрон-микроскопик усуллари билан тадқиқ қилинди. Рентгенограммада гидратация жараёни C₃S интенсив чўққилари камайиши бўйича кузатилади. Қотиш даври ортиши билан d/n = 0,491 nm да кальций гидроалюминатлари ва Ca(OH)₂ ўста-ўст келиши туфайли интенсив чизик анча ошади, қотишнинг 180 суткасида эса C₃S ва

C_2S асосий чизиқларининг интенсивлиги ($d/n=0,275; 0,278; 0,268, 0,262$ nm) интенсив чизиқлари анча камаяди. Қотиш даврининг ортиши билан $d/n=0,491$ nm ли $Ca(OH)_2$ чизиқ интенсивлиги ошиши унга кальций гидроалюминати чизиғининг ўстма-ўст келиши билан изоҳланади. Аллюминат минераллари гидратли маҳсулотларга тўлиқ ўтганидан сўнг $Ca(OH)_2$ билан силикат минераллари иштирокида кимёвий реакция ҳисобига C-S-H фазалари ҳосил бўлади, улар қотишнинг дастлабки даврида субмикрористаллик янги минерал ҳосил бўлишини намоён қилади ва рентгенаморф ҳисобланади, шу сабабли уларнинг ҳосил бўлиши ДТА ва электрон микроскоп усулларида идентификация қилинди.


ДТА маълумотларига кўра, $60-350^\circ C$ ҳарорат оралиғида термоаналитик эгри чизиқларида кучсиз боғланган, асосан, адсорбцион сув йўқолишнинг эндотермик жараёни қайд қилинади. Цемент тоши намунасининг қиздириш эгри чизиғи $440-500^\circ C$ ҳарорат оралиғида $Ca(OH)_2$ нинг дегидратацияси қайд қилинади. Кучсиз боғланган сув йўқотилиши ва унинг интеграл қиймати ($60-900^\circ C$) натижасида термоаналитик эгри чизиқлар бўйича йўқотилган масса (ЙМ) қийматини цемент тоши минераллари гидратацияси жараёни интенсивлигининг тўғри таснифи сифатида қараш мумкин. Шу сабабли цемент тошиларининг гидратацияси ва гидратли янги ҳосил бўлган минералларнинг миқдорий таснифи мос самарадорлик оралиғидаги масса йўқотилиши бўйича аниқланди. Белгиландики, 1, 3, 7, 28 ва 6 ойдан сўнг $60-900^\circ C$ оралиғида термогравиметрия эгриси бўйича массанинг умумий камайиши 10,56; 11,06; 13,95; 15,4 ва 18,33% ташкил этади, бу гидратация жараёнининг сезиларли чуқурлашгани ва янги ҳосил бўлган гидратли минераллар миқдорининг ортишидан далолат беради. Ҳарорат $720-760^\circ C$ оралиғида максимумли эндоэффект иккита жараён: янги ҳосил бўлган кальций гидросиликат (C-S-H (II) ёки C_2SH_2 типидagi $2CaOSiO_2 \cdot nH_2O$ дигидратацияси ва $Ca(OH)_2$ карбонизацияси натижасида $CaCO_3$ диссоциацияси кетганлигини англатади.

Цемент тошининг термоаналитик эгри чизиғи ҳар бир қотиш даври учун хос бўлган термик эффектлар йиғиндиси натижаларини кўрсатади. Ҳар бирининг ўзаро таъсирлашув жадаллиги кўшилиши натижасида интеграл йўқотилишнинг энг катта қийматидан бири қайд қилинади. Бу далил шудан далолат берадики, цемент таркибида ҳар битта компонент клинкернинг кристалл фазалари гидратациясини тезлаштириш жараёнида тўла иштирок этади ва уларнинг мажмуи ушбу жараён тезлашишини таъминлайди.


Шунга монанд бўлган цемент гидратацияси жараёни «оҳактош + бархан куми + гил + темирли чўкинди номаёнда» хомашё аралашмаси асосида синтез қилинган клинкерда боради.

Ўрганилаётган цементларда структур ҳосил қилиш жараёни цемент заррачаларида қобик шакллантиришда биргаликда иштирок этадиган эттрингит игнасимон кристаллари ва кальций гидросиликат толасимон кристалларининг кристалланиши босқичма-босқич боради. Дастлабки даврда қотувчи цемент тошининг асосий кристалл каркаси шаклланади. 28-суткага келиб, баъзи кристаллар юзаси игнали янги ҳосил бўлган минераллар билан

қопланади, бу эса цемент тоши гидратацияси ва ҳамда микроструктураси шаклланишининг тўхтовсиз жараёнини англатади (7 ва 8-расмлар).



7-расм. 28 (а) ва 90 (б) суткаларда қотган бархан қуми ва титанмагнетитли темир тутган жинс иштирокидаги хомашё аралашмаси асосидаги клинкердан олинган цемент тошининг ёриқ юза рельефи.



8-расм. 28 (а) ва 90 (б) суткаларда қотган бархан қуми ва темирли чўкинди номаёнда иштирокидаги хомашё аралашмаси асосидаги клинкердан олинган цемент тоши ёриқ юза рельефи.

Кристалларо бўшлиқлар ва ҳаво ғовокчалари аста-секин янги гидратация маҳсулоти билан тўлдирилган, параллел равишда узун толасимон кристаллардан эттрингитнинг яхши шаклланган кристалларига (узунлиги 2,5 μ) қайта кристалланиши содир бўлган, цемент тоши микроструктураси аста-секин зичлашади ва мустаҳкамланади. Бундай ҳолат ҳатто цемент қотишининг 3 ойида ҳам кузатилади.

Тадқиқот натижалари асосида ростловчи кўшимча сифатида қўлланилган бархан қуми, титанмагнетитли темир тутган ва темирли чўкинди номаёндан иборат хомашё аралашмаси амалиётга қўллашга энг мақбул деб қабул қилинган. Бунда клинкер минералларнинг сув билан ўзаро физик-кимёвий таъсирлашувининг равон кетиши, ПЦ400-Д0 марқадаги

цементга мос келувчи, цемент тошининг мақбул структурасини шакллантириш орқали янги минераллар вужудга келишини ва кристалланишини, унинг гидравлик фаоллигини таъминлаш мезон сифатида қабул қилинган. Қорақалпоғистон кони хомашё материалларини комплекс фойдаланган ҳолда умумқурилиш ва сульфатбардош цементлар учун портландцемент клинкерини ишлаб чиқариш технологияси ва технологик тизими ишлаб чиқилган.


Диссертациянинг «**Хомашё аралашмаси таркибида базальт жинси иштирок эттириш орқали портландцемент клинкерини олишнинг технологик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида «Беркуттау» участкаси базальт жинсининг хомашё аралашмалари, клинкерлар ва улар асосидаги цементларнинг технологик хоссаларига таъсири кўрилган.

Аниқландики, «Беркуттау» участкаси базальт жинсининг технологик намунаси регламентланадиган оксидлар миқдори бўйича O'z DSt 2950:2015 талабларига мос келади (1-жадвал). Маълумки, хомашё аралашмалари таркибида анъанавий қўлланиладиган, келиб чиқиши табиий (гематитли жинслар) ва техноген (шлаклар, темирли шлаклар) қўшимчалар суюқланиш ҳарорати анча юқори (1380-1450°C), отилиб чиққан тоғ жинслари эса (базальт, габбро, диабаз-порфирит ва бошқалар) улардан кристалл структураси бўйича фарқ қилади ва ўзининг таркибида сезиларли миқдорда шиша фазасини тутган, шунинг учун анча паст суюқланиш ҳароратига эга (1105-1250°C), ўз навбатида хомашё аралашмасининг суюқланиш ҳароратини пасайтиришга имкон беради.

«TITANCEMENT» МЧЖ-ҚК цемент заводида клинкер ишлаб чиқаришда фойдаланишга мўлжалланган «Беркуттау» участкаси базальт жинсининг технологик намунаси 1180-1190°C ҳарорат оралиғида суюқланади. Ушбу омиллар базальт жинсини алюмосиликат ва темирли компонент сифатида шартли фойдаланиш орқали хомашё аралашмасинининг юқори реакцион қобилятини тахмин қилишга асос бўлади.

Базальт тоғ жинси иштирокида модул таснифлари (ТК, n ва p) турли хил параметрдаги 16 та хомашё аралашмаси таркиблари ҳисобланди. Ҳисобланган маълумотлар бўйича, 82,09-84,22% «Жамансой-2» кони оҳактоши ва 15,78-17,91% «Беркуттау» участкаси базальт жинсини фойдаланиш орқали икки компонентли хомашё аралашмалари асосида кимёвий-минералогик таркиби ва модул таснифи O'z DSt 2801 томонидан қўйилган талабларга жавоб берадиган умумқурилиш цементларга (1-4 таркиблар) клинкерлар олиш мумкин. Бунда, икки компонентли хомашё аралашмаси таркибида базальт жинси масса улушини (15,9 дан 8,09% гача) камайтириш мақсадида «Шимолий Жамансой-2» кони гилли компонентини (1-жадвал) киритиш тавсия этилади.

1450°C да 30 дақиқали ушлаб туриш орқали синтез қилинган куйдириш маҳсулоти деярли $\text{CaO}_{\text{эркин}}$ тутмайди, бу клинкерли ҳосил бўлиш жараёнида шаклланишида унинг тўлиқ ўзлашганлигидан далолат беради (9-расм).



9-расм. 2 ва 16-таркибли хомашё аралашмаларни куйдиришда СаО_{эркин} нинг ўзлаштириш кинетикаси.

2 ва 16-таркибли хомашё аралашмалари таркибида куйдириш ҳарорати 1180-1190°C бўлган базальт жинси мавжудлиги эркин кальций оксидининг ўзлашиш жараёнини жадаллаштиради ва 1420°C ҳароратда амалий жиҳатдан тугайдиган минерал ҳосил бўлишни тезлаштиради, бу ОТМК куюиндиси қўшилган хомашё аралашмаларни куйдиришга қараганда нисбатан пастдир. Синтез қилинган клинкерларнинг ҳақиқий минералогик таркиби олдиндан ҳисобланган таркибга мос келади (4-жадвал).

4-жадвал

Портландцементнинг физик-механик синовлари натижалари

Хомашё аралаш-маси рақами	ТК	Мустаҳкамлик чегараси, МПа, (сутка)									
		эгилишда					сиқилишда				
		3	7	28	90	180	3	7	28	90	180
2-таркиб	0,90	2,4	4,6	6,0	6,8	7,2	22,2	35,3	41,4	42,5	49,7
3-таркиб	0,92	2,5	4,0	5,1	5,7	6,4	23,6	31,5	35,3	40,4	45,8
6-таркиб	0,90	2,3	4,2	5,4	6,3	6,6	21,6	32,5	36,5	41,2	46,7
12-таркиб	0,90	2,1	4,2	5,0	5,3	6,3	23,1	30,2	35,0	40,0	43,2
15-таркиб	0,92	2,2	4,0	5,5	5,7	6,1	21,4	31,6	37,9	40,2	45,8
16-таркиб (СЧПЦ)	0,87	2,4	4,7	6,0	6,7	7,0	22,4	33,7	40,6	42,0	50,6

7-чи суткага борганда 3-таркиб клинкери асосидаги цемент ҳам эгилишга, ҳам сиқилишга бўлган юқори мустаҳкамликни кўрсатди, бу ушбу муддатда ПЦ-300 маркасига етди (35,3 МПа). Деярли шундай фаолликни 5-таркиб (СЧПЦ) клинкеридан олинган цемент намоён қилади, унинг қиймати

33,7 МПа ташкил этади, бу ҳам ПЦ-300 маркадаги цементга мос келади (4-жадвал). Иккала цемент таркиби 28 суткадан кейин гидравлик фаолликни намоён этади (40,6-41,4 МПа), бу ГОСТ 10178 бўйича ПЦ 400-Д0 маркадаги цементга мос келади. Қолган таркибдаги цементларнинг (3, 6, 12, 15-таркиблар) фаоллиги 35,0-37,9 МПа оралиғида жойлашган бўлиб, ПЦ300-Д0 маркадаги цементга мос келади.

